



# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING QARORI

O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,  
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255

2021 йил " 3 " феврал

№ 164

Yangibozor tumani

**Янгибозор туманидаги "Ҳамид Олимжон"  
маҳалласида яшовчи фуқаро Садуллаев  
Сарварга сабзавотчилик ва полизчилик  
йўналишида фермер хўжалиги ташкил  
қилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-,53-моддалари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, "Ҳамид Олимжон" маҳалласида яшовчи фуқаро Садуллаев Сарварнинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси асосида ўтказилган очиқ танлов якунларига кўра, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг ҳулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-,10-моддаларига асосланиб,

## Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов якунлари бўйича қабул қилинган комиссия қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Янгибозор туманидаги "Ҳамид Олимжон" маҳалласида яшовчи фуқаро Садуллаев Сарварга Уйғур қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги 490-,491-,492-,493-,507-,508к-,509к-,510к-,511-контурларда жойлашган умумий ер майдони **35,3** гектар, шундан суғориладиган экин ери **32,9** гектар, ариқ ва зовурлар **2,2** гектар, йўллар **0,2** гектардан иборат ер участкаси сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Янгибозор тумани Уйғур қишлоғи "Ҳамид Олимжон" маҳалласида яшовчи фуқаро Садуллаев Сарварга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фуқаро Садуллаев Сарвар ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини



далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Фуқаро С.Садуллаевга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- бизнес режада белгиланган экин турларни тўлиқ экиб, ҳосилдорликни ошириб бориш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш;

- ҳудудий статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги, давлат статистика, давлат солиқ инспекцияси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими.в.в.о



Ж.Холметов